

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ГАМИДОВ СЕЙМУР ШУКУР ОГЛИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ ЕНГИЛ
АВТОМОБИЛЛАР ҲАРАКАТЛАНИШИДА ПИЁДАЛАР БИЛАН
ТЎҚНАШУВДА ЕТКАЗИЛГАН ЖАРОҲАТЛАНИШЛАРНИНГ СУД-
ТИББИЙ ТАВСИФИ**

14.00.24 – Суд тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Гамидов Сеймур Шукур огли

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий
енгил автомобиллар ҳаракатланишида пиёдалар
билан тўқнашувда етказилган жароҳатланишларнинг
суд-тиббий тавсифи..... 3

Гамидов Сеймур Шукур оглы

Судебно-медицинская характеристика повреждений
у пешеходов при столкновении с движущимися современными
легковыми автомобилями, производимыми в Узбекистане..... 23

Gamidov Seymur Shukur ogli

Forensic characteristics of damage to pedestrians in
collision with modern passenger cars produced in Uzbekistan..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ГАМИДОВ СЕЙМУР ШУКУР ОГЛИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ ЕНГИЛ
АВТОМОБИЛЛАР ҲАРАКАТЛАНИШИДА ПИЁДАЛАР БИЛАН
ТЎҚНАШУВДА ЕТКАЗИЛГАН ЖАРОҲАТЛАНИШЛАРНИНГ СУД-
ТИББИЙ ТАВСИФИ**

14.00.24 – Суд тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.4.PhD/Tib1570 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Индиаминов Сайит
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Искандаров Алишер Искандарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Акбергенова Камила Абдукеримовна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Узоқ шарқий давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «18» 02 соат 1600 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2.Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел/факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2022 йил «15» 02 да тарқатилди.

(2022 йил «15» 02 даги 4 рақамли реестр баённомаси).



Shaykova

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Alimukhamedov

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Saidov

А.Б. Саидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш қошидаги Бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси).

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда йўл-транспорт ҳодисалари оқибатидаги жароҳатланишлар бугунги кунда энг долзарб ижтимоий-демографик, иқтисодий ва тиббий муаммога айланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда «... йўл-транспорт ҳодисалари натижасидаги ўлим ва ногиронлик кўрсаткичлари минтақалар кесимида турлича бўлиб, паст ва ўрта даражали мамлакатлар аҳолисида (70%) асосан меҳнатга лаёқатли ёшдаги эркекларда (74%), юқориликча қолмоқда. Аксарият ҳолларда жабрланганларнинг ўлими бевосита ҳодиса содир бўлган жойда ёки тиббий муассасаларга олиб келгунга қадар оғир кўшма жароҳатланишлар натижасида содир бўлади ...»^{1,2}. Шу сабабли, жароҳатланишларни эрта ташхислаш самарали усуллари ишлаб чиқиш билан биргаликда жабрланганларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишга эришиш замонавий тиббиётнинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда жароҳатланишларни олдини олиш, йўл-транспорт ҳодисалари ва бошқа таъсиротлар оқибатида кузатиладиган оғир кўшма жароҳатлар олган беморларга эрта ташхис қўйиш ва даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада йўл-транспорт ҳодисаларининг энг кўп учрайдиган тури сифатида ҳаракатланаётган транспорт воситалари билан тўқнашувда жароҳатланган пиёдаларда аъзо ва тўқималарнинг шикастланиши табиатини ўрганиш ва шаклланиш хусусиятларини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш, жумладан, автомобиллар билан тўқнашувда жабрланган пиёда шахсларда жароҳатланишларни суд-тиббий ташхислашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига мувофиқ «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, йўл-транспорт ҳодисаларининг энг кўп учрайдиган тури, ҳаракатланаётган автомобиллар билан пиёдалар тўқнашувида жабрланган шахслар аъзолари ва тўқималари жароҳатлари жихатларини ўрганиш орқали уларнинг асоратларини аниқлаш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

¹ЖССТ Европа минтақасида йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолати бўйича ҳисобот, 2019. ЖССТ, Европа минтақавий бюроси.

²Йўл-транспорт жароҳатлари миллий муаммо сифатида / Кузмин А.Г. // Инсон экологияси журнали. - 2011. 44-49 б.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 - 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ-4049-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Йўл-транспорт ҳодисалари бўйича тергов ва суд жараёни учун муҳим масалалар, айниқса транспорт воситаси воқеа жойини тарқ этган ҳолларда жароҳатланиш тафсилотлари, шароитлари, транспорт воситаси тури, жароҳатлар механизми каби ҳолатлар айнан суд – тиббий экспертиза ўтказиш орқали аниқланади (Князов Г.А. ва бошқ., 2000; Сарқиян Б.А., 2014; Пиголкина Ю.И. ва бошқ. 2016; Илин Н.Н., 2019.). Замонавий транспорт воситаларнинг ташқи ва ички қисмлари конструктив хусусиятларининг тубдан ўзгариши, жабрланган шахслардаги жароҳатларнинг тури, жойлашув ўрни, кўлами, оғирлик даражасининг жиддий ўзгаришларига сабаб бўлаётганлиги бу борадаги суд-тиббий ташхисларида жиддий қийинчиликларга олиб келмоқда (Хабова З.С, ва бошқ., 2015; Гусарев А.А., ва бошқ., 2016; Шевченко К.Д., Бородулин Д.В., 2019). Ўтган даврдаги барча турдаги автомобил жароҳатларининг суд-тиббий жиҳатлари қатор етакчи олимлар - суд тиббиёти соҳасининг таниқли тадқиқотчилари томонидан батафсил ўрганилган ва етарлича таҳлил қилинган (А.А.Солохин, 1968; А.А.Матишев, 1969; В.К.Стешитс, 1976; А.Р.Раҳимов, В.Ф.Смирнов, 1976; А.П.Громов, В.Г.Науменко, 1978). Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб Ўзбекистон автотураргоҳлари янги русумли замонавий автомобиллар билан тўлдирила бошланган, бу эса ўз навбатида ушбу турдаги автомобиллар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг

содир бўлиши ва улардан жароҳатланишлар сонининг янада кўпайишига олиб келган (Хаджибоев А.М. ва бошқ., 2019). Бундай вазият дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам қайд этилмоқда (Пиголкин Ю.И. ва бошқ., 2016; 2018; Фетисов В.А., Гусаров А.А., Смиренин С.А., 2016; Седых Е.П., 2017; Плевинскис П.В., 2014; 2019; Ando K., Tanaka N., 2013; Aladetusi T.O., Akinmoladun I.V., Olusanya O.O., Akaditi O.A., Fasola A.O., 2014; Verzosa N., Milts R., 2016). Бу борадаги мавжуд маълумотлар экспертлик амалиётидаги кузатувларга доир мақолалар ҳамда санокли даражадаги илмий тадқиқотлар натижаларидан иборат халос (Авдеев А.И., 2014; Фетисов В.А., Смиренин С.А., Нестерев А.В., Хабова З.С., 2014; Мантаков М.С., 2014; Леонов С.В., Пинчук П.В., 2016; 2016; Buree M.P., 2007; Ngunde P.J., Akongwi A., Mefire S.A., Puis F., Gounou E., Nkfusai N.C., Nwarie U.G., Cumber S.N., 2019). Ушбу маълумотлар замонавий автомобиллар билан тўқнашувлар натижасида жабрланган пиёдаларга доир суд-тиббий экспертизаларни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотларни ўтказиш зарурлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда аввалги йилларда ишлаб чиқарилаётган транспорт воситалари иштироки билан боғлиқ жароҳатланишлар айрим турларининг суд-тиббий жихатларини ўрганишга қаратилган қатор тадқиқотлар олиб борилган (А.Р. Раҳимов, В.Ф. Смирнов, 1976; З.А. Гиёсов, Х.Р. Раҳмонов, 1998; З.А. Гиясов, А.И. Исмоилов, 2001). Шунингдек, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий автомобиллар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларида пиёда-болалар ва замонавий автомобиллар салони ичидаги йўловчи болалар жароҳатланишларини ўрганишга доир ҳам айрим тадқиқотлар ўтказилган (А.И. Искандаров, ва бошқ., 2020; С.И. Индиаминов, Ш.У. Шойимов, 2020; Ш.У. Шойимов, 2021), аммо катта ёшли пиёдалар жароҳатлари шаклланишининг суд тиббий жихатлари мутлоқ ўрганилмаган.

Шундай қилиб, йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ суд-тиббий муаммоларни ҳал қилиш учун замонавий ва эски турдаги автомобиллар билан тўқнашувида жабрланган пиёдаларда жароҳатларнинг шаклланиш жихатлари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш орқали улар орасидаги фарқларни аниқлашга йўналтирилган тадқиқотлар зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Қўшма таъсирот факторлари оқибатидаги жароҳатланишларда механогенез ва танатогенезни баҳолаш» (2018-2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган енгил русумли замонавий автомобиллар билан тўқнашувда жабрланган пиёда шахслардаги жароҳатланишларни суд-тиббий ташхислашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ҳаракатдаги замонавий автомобиллар билан тўқнашувда ҳалок бўлган ва турли даражадаги жароҳат олган пиёдалардаги жароҳатларининг тури, жойлашув ўрни ва шаклланиш жихатларини ўрганиш;

ҳаракатдаги эски русумдаги автомобиллар билан тўқнашувда ҳалок бўлган ва турли даражадаги жароҳат олган пиёдалардаги жароҳатларининг тури, жойлашув ўрни ва шаклланиш жихатларини аниқлаш;

автомобиллар кузовининг ташқи бўртиб чиққан қисмлари конструктив жихатларини ҳисобга олган ҳолда, пиёдалардаги жароҳатланишлар механизмини автоҳалокат фазаларига мувофиқ баҳолаш;

замонавий ва эски русумдаги автомобиллар билан тўқнашувда етказилган пиёдалар тана қисмлари, аъзолари ва тўқималаридаги жароҳатлар орасидаги фарқларни асослаш;

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий енгил русумли автомобиллар билан пиёдалар тўқнашувда юзага келган жароҳатларнинг суд-тиббий ташхислашни такомиллаштириш юзасидан тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида ҳаракатдаги автомобиллар билан тўқнашувда жабрланган пиёда-тирик шахслар, шунингдек жароҳатланиш оқибатида вафот этган пиёдалар жасадлари, тиббий ҳужжатлар, суд-тиббий экспертиза хулосалари, рентген ва компьютер томографияси натижалари, ҳолатга доир иш материаллари ташкил этган.

Тадқиқот предмети сифатида йўл-транспорт ҳодисаларида автомобиллар билан тўқнашувда ҳалок бўлган ва турли даражада шикастланган пиёдалар аъзо ва тўқималари жароҳатлари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда катамнестик, клиник, макроскопик, суд-гистологик, стереомикроскопик, тиббий-криминалистик, ўлчаш, тасвирлаш, таққослаш, ретроспектив ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий енгил русумли автомобиллар билан тўқнашувда автоҳалокатнинг 1-чи фазасида аксарият ҳолларда пиёдаларда иккала болдир ёки битта сон ва битта болдир суякларида диафизар кўшалок синишлар шаклланиши исботланган;

ҳаракатдаги замонавий енгил автомобилларнинг пиёдалар билан тўқнашувида жароҳатланишнинг 1-чи фазасида терида махсус турдаги контактли жароҳатлар юзага келиши эҳтимоли камлиги аниқланган;

эски русумли енгил автомобилларнинг пиёдалар билан тўқнашувидаги бирламчи зарба соҳаларида юмшоқ тўқималар жароҳатланишлар, замонавий енгил автомобиллар билан тўқнашувидаги жароҳатланишларга нисбатан эзилишлар ва қон қуйилишлар сезиларли даражада намоён бўлиши асосланган;

пиёдаларнинг замонавий енгил русумли автомобиллар билан тўқнашуви 3-чи фазасида тананинг сезиларли масофага отилиши ҳамда тананинг кучли

силкиниши натижасида кўкрак ва қорин бўшлиғи ҳамда бош олд-ёнбош ва юз соха тузилмаларида жароҳатлар жиддий ва кўламли бўлиши аниқланган;

пиёдаларни Кобальт, Ласетти, Малибу русумли автомобиллар билан тўқнашувининг 2-чи фазасида умуртқа поғонасининг эгилиши ва қайрилиши билан чекланиши, Матиз ва Спарк русумли автомобиллар билан тўқнашувининг 2-чи фазада энса-бўйин соҳаларда жиддий жароҳатланишлар шаклланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:

замонавий енгил русумли автомобиллар билан тўқнашувда олинган жароҳатлар бўйича олинган натижалар тергов ва суд жараёнларида юзага келган масалаларни ишончли даражада ҳал қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган;

пиёдаларнинг танасида аниқланган жароҳатлар жихатлари беморларга шошилиш ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш учун тавсия этилган;

йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ шикастланишлар ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар ушбу турдаги жароҳатланишларнинг олдини олиш чора-тадбирларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жихатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, стереомикроскопик ва статистик усуллар асосида ҳалқаро ва маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий автомобиллар иштирокида йўл-транспорт ҳодисалари натижасида пиёдалар билан тўқнашувдаги шикастланишлар шаклланиш жихатлари аниқланганлиги, ушбу турдаги автохалокат шикастланишининг фазаларини ҳисобга олган ҳолда жабрланувчи-пиёдалар танаси қисмларига етказилган жароҳатлар механизмининг баҳоланганлиги, турли русумдаги автомобиллар билан тўқнашув натижасида пиёдаларнинг аъзолари ва тўқималаридаги шикастланишларнинг фарқларининг очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг натижаларининг амалий аҳамияти пиёдалар танасида нафақат жароҳатларнинг тури, жойлашув ўрни, ўзига хос жихатлари, автохалокат турини, балки автомобиллар моделлари ва турларини ҳам аниқлашга имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Енгил русумли замонавий автомобиллар билан тўқнашувда жабрланган пиёда шахслардаги жароҳатланишларни суд-тиббий ташхислашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пиёдаларнинг танасида аниқланган жароҳатлар жихатлари беморларга шошилиш ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарали

усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Автомобил травмаси натижасида пиёдаларда кўл-оёқ суяклари синишини суд-тиббий баҳолаш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 июлдаги 8н-з/253-сон маълумотномаси). Натижада марҳумлар жасадлари тиббий экспертизадан ўтказиш сифати ошириш ва йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ суд-тиббий масалаларни ишончли тарзда ҳал этиш имконини берган;

замонавий енгил русумли автомобиллар билан пиёдалар тўқнашувда юзага келган жароҳатларнинг суд-тиббий ташхислашга қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Автомобил травмаси натижасида жабрланган пиёдаларни суд-тиббий экспертизадан ўтказиш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 июлдаги 8н-з/253-сон маълумотномаси). Натижада автомобил жароҳати оқибатида пиёдаларда ўлим содир бўлганда, марҳумлар жасадлари тиббий экспертизадан ўтказиш сифати ошириш ва йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ суд-тиббий масалаларни ишончли тарзда ҳал этиш имконини берган;

енгил русумли замонавий автомобиллар билан тўқнашувда жабрланган пиёда шахслардаги жароҳатланишларни суд-тиббий ташхислашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига жумладан, Республикаси суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Андижон, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоят филиаллари морфология ва амбулатория бўлимлари экспертиза амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 декабрдаги 08-09/21175-сон маълумотномаси). Натижада ташхислаш вақтини қисқартириш, иқтисодий харажатларини камайтириш ва суд-тиббий тадқиқотлар сифатини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этаган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти, мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети акс эттирилган, тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мос келиши, илмий янгилиги, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот

натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркиби ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Ҳаракатланаётган автомобилларнинг пиёдалар билан тўқнашувида етказилган жароҳатлар суд-тиббий жиҳатларини ўрганишнинг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида автомобил травмаларида жабрланган пиёдалар жароҳатларининг суд-тиббий жиҳатлари бўйича жаҳон адабиёти маълумотларининг батафсил таҳлили асосида замонавий автомобилларнинг пиёдалар билан тўқнашувида етказилган жароҳатлар механизмини тўлақонли баҳолаш ва уларнинг фарқ-тафовутларини очиб бериш юзасидан адабиётларда мавжуд маълумотларнинг етарлича эмаслиги кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Материаллар ва тадқиқот усуллари**» деб номли иккинчи бобида материаллар ва усулларнинг умумий тавсифлари, шунингдек эски русумдаги енгил автомобиллар ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий енгил русумли автомобиллар кузовларининг ташқи қисмларининг конструктив жиҳатлари, ўлчамлари маълумотлари, фото-тасвирларива тадқиқот усуллари ёритилган.

Ишнинг мақсади ва қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, тадқиқот кўйидаги 2 гуруҳда олиб борилди: **1-гуруҳни** - ҳаракатланаётган автомобиллар билан тўқнашув натижасида ҳалок бўлган 215 нафар шахсларжасадларига доир суд-тиббий экспертиза натижалари таҳлили ташкил этади. Ҳалок бўлган пиёдаларнинг 173 нафари эркаклар, 42 нафари аёллар бўлиб, улар ёши бўйича 17 дан 65 ёшгача. 171 та ҳолатда пиёдалар тўқнашуви замонавий енгил автомобиллар билан содир бўлган, шундан энг кўпини Daewoo.uz Нексия русумли автомобиллар (100 та), 19 та ҳолатда Daewoo-Дамас, 17 та ҳолатда эски русумдаги енгил автомобиллар, 4 та ҳолатларда - замонавий юк ва йўловчи ташувчи автомобиллар вақолган 4 та ҳолатда - транспорт воситаларининг тури ва модели аниқланмаган. **2-гуруҳ** – ҳаракатдаги автомобиллар билан тўқнашув натижасида турли даражадаги тан жароҳати олган 250 нафар пиёда - тирик шахслар ташкил этади. Аксарият ҳолларда 17 ёшдан 60 ёшгача (161) бўлган пиёдалар жабрланган. Жароҳатланган пиёдалар орасида 131 нафари эркаклар ва 119 нафари аёлларни ташкил этди. Автомобил турлари бўйича пиёдалар билан кўп ҳолларда тўқнашувлар замонавий енгил автомобиллар (211), асосан Daewoo-uz автомобиллари билан, улар орасида Нексия– 69 та, 24 ҳолатда -Daewoo-Дамас русумли автомобиллар, 4 та ҳолатда - эски русумдаги автомобиллар ва 2 та ҳолатда йўловчи ва юк ташувчи автомобиллари билан тўқнашувлар содир бўлган, қолган 9 та ҳолатда эса автомобиллар тури аниқланмаган.

Иккала гуруҳ кузатувларини ўрганиш ва таҳлил этиш жараёнида тўқималар ва аъзоларда аниқланган жароҳатлар тури, жойлашув ўрни, учраш частотаси ва қўлами ҳамда асоратлари батафсил ўрганилди. Пиёдаларнинг тана узунлигини ўлчаш амалга оширилди. Экспертиза хулосалари билан бир қаторда иш материаллари, тиббий ҳужжатлар, рентген, компьютер томографияси натижалари ҳам ташкил қилади. Ўлимнинг асосий ва бевосита сабаблари тиббий ҳужжатлар ва суд-гистологик тадқиқотлар

маълумотларини ҳисобга олган ҳолда аниқланди. Мураккаб ҳолатларда комплекс ва суд-автотехник экспертизаси натижалари ҳисобга олинди.

Пиёдалар танасида жароҳатларнинг шаклланиш жиҳатларини ўрганиш ва уларнинг механизмини баҳолашда автомобиллар кузовлари ташқи қисмларининг конструктив жиҳатлари ва ўлчамлари ҳисобга олинди. Вариацион статистикаси доирасида корреляция-регрессия таҳлили ўтказилди ва жароҳатлар кўрсаткичларининг ишончлилиги мезони (t), уларнинг минимал хатоси (m) ва кўрсаткичлар орасидаги фарқлар ишончлилиги (p) аниқланди. Ҳар бир гуруҳ кўрсаткичларини таҳлил қилишда математик моделлар ишлаб чиқилди, регрессия майдонлари аниқланди ва автомобилларнинг маркалари ҳамда моделларини ҳисобга олган ҳолда пиёдалар таналарида жароҳатлар турларининг юзага келиш частотасининг график – тасвири кўрсатилди.

Диссертациянинг «**Ҳаракатланаётган автомобиллар билан тўқнашувида ҳалок бўлган пиёдалар жароҳатларининг суд-тиббий тавсифи**» деб номланган учинчи бобида ҳаракатдаги автомобиллар билан тўқнашувда ҳалок бўлган пиёдалар танасидаги жароҳатларни ўрганиш натижалари келтирилган. Олинган натижаларга кўра, 206 нафар (94,1%) вафот этган пиёдаларда тана аъзоларининг қўшалок жароҳатланиши (ҚЖ) ва фақат 9 нафарида (5,9%) алоҳида бош мия жароҳатларидан (БМЖ) юзага келган. Жароҳатлар таркибида бош, кўкрак, қорин ва қўл-оёқ қўшма жароҳатлари (120) - 55,8% ни, бош, кўкрак, қорин ҚЖ (50) - 23,4% ни ташкил этган ($0,003 < p < 0,04$; $r = \pm 0,04$).

Таъкидланганидек -98,6% пиёдаларда (196 из 215) оғир БМЖ шаклланиши ва бунда кўпинча бош суяклари синишлари қайд этилиб (71,4%), фақат 29,6% ҳолларда суяк тузилмаларининг яхлитлиги сақланиб қолган ҳолда бош мия латикайд қилинган. Калла-асос суякларининг биргаликдаги парчаланиб синиши 9,2% ҳолларда кузатилиб, деярли ҳар доим бош мия қаттиқ пардаси бутунлиги ва мия тўқимасининг бузилиши билан бирга кечади. 6,1% ҳолларда пиёдаларда калла ва асос суяклари синиши билан бир қаторда, юз соҳаси суяклари – ёноқ, юқори ва пастки жағ синишлари кузатилган ($0,001 < p < 0,037$; $r = \pm 0,037$). Бош тузилмаларида олд ва ёнбош соҳалар зарарланиш ҳолатлари ҳамда юз суякларидagi синишлар ушбу жароҳатларнинг автоҳалокатнинг 3-фазасида, яъни тананинг ер қопламасига йиқилишида ва баъзи ҳолларда - пиёдаларнинг Спарк ва Матиз каби русумдаги автомобиллар билан тўқнашувида, 2-чи фазада бошнинг орқага қайрилиб капот усти ёки олд ойнага урилишида энса-бўйин соҳаларида жиддий жароҳатланишлар шаклланишидан далолат беради.

Замонавий йўловчи автомобиллари қалпоқ юзаси нисбий текислик, шунингдек металл кам эластик мустаҳкамлик ва шиша батамом базасида ўсимталар боғлаш мурват йўқлиги, еҳтимол энса суяги тешилган ва ғамгин синган йўқлигини сабаб, ва бачадон муҳим юмшоқ тўқималарининг жароҳати-енса қисми, одатда пиёдалар ески моделлари

автомобил ҳаракат билан тўқнашади қачон жароҳати 2 босқичида шаклланган.

Вафот этган пиёдаларда умуртқа-орқа мия жароҳатланиши (УОМЖ) 215 та кузатувдан 58 тасида (26,97%) аниқланган, бундасаноқли ҳолатда умуртқа поғонасининг компрессион-парчаланиб синиши қайд этилган бўлса, аксарият ҳолларда дистракцион-ротацион синишлар кузатилади ($0,001 < p < 0,04$; $p = \pm 0,035$), УОМЖларининг 3/1 қисмида умуртқа поғонасининг тўлиқ ажралиши аниқланди. Жабрланган пиёдаларда бўйин-энса жароҳатлари шаклланиши травманинг 1-фазасида юзага келса, бўйин ва кўкрак қафаси юқори умуртқалари орқа ўсиқлари синганлиги ҳамда синиш соҳларда умуртқанинг ажралиши, шунингдек умуртқаларда ротацион-дистракцион турдаги синишлар кузатилиши, мазкур тузилмалар жароҳатларининг автохалокат 1-чи ва 2-чи фазаларида шаклланганлигидан далолат беради.

ҚЖнинг бир қисми сифатида кўкрак қафаси тузилмалари ва кўкрак бўшлиғи аъзоларининг шикастланиши 184 ҳолатда $-(85,6\%)$ қайд этилди.

1-жадвал

Ҳаракатланаётган автомобиллар билан тўқнашувда вафот этган пиёдаларда қовурғалар синишлари тавсифи, регрессия қийматлари ва кўрсаткичлари ишончлилиги маълумотлари

Синишлар жойлашув ўрни	Учраш частотаси	Регрессия тенгламалари қийматлари	р-ишончлилик
- ўнгда	31	31.017	$\pm 0,017$
- чап	34	33.969	$\pm 0,031$
-ҳар икки томонда	59	59.014	$\pm 0,014$
Жами	124		
-юқори қовурғалар (1-5 қовурғалар)	45	45.0015	$\pm 0,0015$
-пастки қовурғалар (6-11 қовурғалар)	15	15 0018	$\pm 0,0018$
-юқори ва пастки қовурғалар	64	63 998	± 0.002
Жами	124		
Анатомик чизиқлар бўйича:			
- ўрта ўмров	38	38.0173	$\pm 0,0173$
-тўш ён	12	11998	± 0.002
Қўлтиқ ости чизиқлари бўйлаб:			
- олдинги қўлтиқ ости	20	19 988	$\pm 0,012$
- ўрта қўлтиқ ости	10	10 006	$\pm 0,006$
- орқа қўлтиқ ости	16	15.9847	$\pm 0,0153$
-курак	12	11998	± 0.002
-умуртқа ён чизиғи	16	15 997	$\pm 0,003$
Жами:	124		

1-жадвалдан кўришиб турибдики, пиёдаларда - 57,7% ҳолларда қовурғалараро мушаклар ва париетал плевра жароҳатлари билан кечувчи турли анатомик чизиқлар бўйлаб қовурғалар синишлари кузатилган. Синишлар кўпинча(124 тадан 59 таси) икки томонлама бўлиб, ўнг ва чап қовурғаларнинг синиши юзалари бир хил даражада содир бўлган (мос равишда 31 ва 34). 29,8% ҳолатдавафот этган пиёдалардаги синишлар деярлик барча қовурғаларни қамраб олган. Жойлашув ўрнибўйича, ташқи томондан сиқилиш белгилари бўлган бевосита синишлар ўрта ўмров ва кўлтиқ ости чизиқларда устунлик қилган. Бу шуни кўрсатадики, пиёдада қовурғаларнинг синишлари асосан АХ нинг 3-фазасида - жабрланганларнинг йўл қоламасига йиқилишда ҳосил бўлади. Тўш суяги танасининг синиши нисбатан кам учради (17).

Кўкрак бўшлиғи аъзолари зарарланган 85,6% ҳолатда кўкс соҳасида, ўпкалар илдизлари ва бошқа қисмларида, шунингдек перикардда, юрак мушаклари ва деворларида яққол ифодаланган қон қуйилишлар ўчоқлари кузатилди. Ўпка паренхимасида қон қуйилишнинг интенсивлиги устунлик қилди ($0,008 < p < 0,042$; $p = \pm 0,041$) (2-жадвал).

2-жадвал

Вафот этган пиёдаларда кўкрак қафаси аъзолари тузилмаларига етказилган жароҳатлар тавсифи, регрессия қийматлари ва кўрсаткичлар ишончлилиги маълумоти.

№	Кўкрак бўшлиғи аъзоларининг тузилмаларига етказилган жароҳатлар тавсифи	Учраш частотаси	Регрессия тенгламалари қийматлари	p-ишонччилик
1	ўпка тўқималарига қон қуйилишлар	137	137 007	$\pm 0,007$
2	йирик қон томирлар деворларига қон қуйилишлар	10	10 003	$\pm 0,003$
3	перикард, кўкс оралиғи, юрак қоринчаларининг деворларига қон қуйилиш	3	3.041	$\pm 0,041$
	Жами	150		
1	ўпканинг ёрилиши ва қон қуйилишлар	27	26.971	$\pm 0,029$
2	аортанинг ёрилиши ва қон қуйилишлар	1	1.0074	$\pm 0,007$
3	трахеянинг ёрилиши ва қон қуйилишлар	1	1.0072	$\pm 0,007$
4	перикард ва юракнинг ёрилиши қон қуйилишлар билан	5	5.031	$\pm 0,031$
	Жами	34		
	Жами	184		

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, вафот этган 215 нафар пиёдаларнинг 132 нафарида (61,3%) ички аъзолар ва

тўқималарда шикастланиш белгилари бўлиб, улар аъзолар илдизларига, деворлари ва паренхимасига кучли қон қуйилишлар билан ифодаланади.

3-жадвал

Вафот этган пиёдаларда қорин бўшлиғи аъзоларида аниқланган жароҳатлар тавсифи, регрессия қийматлари ва кўрсаткичлар ишончлилиги маълумоти.

№	Қорин бўшлиғи аъзоларига етказилган жароҳатлар тавсифи	Учраш частотаси	Регрессия тенгламалари қийматлари	р-ишончилилик
1	Қорин бўшлиғи аъзоларининг бутунлиги бузилмасдан қон қуйилишлар (лат ейиши).	132	131 987	± 0,013
2	Қорин бўшлиғи аъзоларининг бутунлигибузилиши ва ички қон кетиш	40	40.034	± 0,034
3	Улардан: жигарнинг ёрилиши	14	14.025	± 0,025
4	жигар ва талоқнинг ёрилиши	11	10 982	± 0,018
5	талоқнинг ёрилиши	4	4006	± 0,006
6	буйракнинг ёрилиши	3	3.004	± 0,004
7	ичак тутқичининг ёрилиши	3	2.98	± 0.002
8	жигар, талоқ, буйракларнингбиргаликда ёрилиши	1	0,985	± 0,015
9	жигар ва диафрагманинг ёрилиши	1	1.002	± 0.002
10	диафрагманинг, ингичка ва йўғон ичак тутқичи билан биргаликдагиёрилиши	1	0,988	± 0,012
11	жигар ва йўғон ичакнинг ёрилишлари	1	0,979	± 0,021
12	ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг биргаликда ёрилиши	1	1.002	± 0.002
13	жигар, ошқозон ва буйракларнинг биргаликда ёрилиши	1	1.004	± 0,004
	Жами:	172		

Жигар тузилмаларининг бутунлиги бузилиши - 16,8% вафот этган пиёдаларда қайд этилган бўлса, бу ҳолат асосан унинг диафрагмал ва пастки юзалари бўйлаб паренхиманинг кенг ёрилиши ва эзилиши шаклидаги жароҳатланишлар аниқланди. Ўт пуфаги бутунлигининг бузилиши билан биргаликдаги паренхима ёрилиши санокли ҳолатда, қолганларда жигар зарарланиши бошқа ички аъзоларнинг жароҳатлари билан, улардан кўп ҳолларда талоқнинг ёрилиши билан бирга келган. Жигар ва талоқ бутунлигининг бузилиши қайд этилган ҳолатларда кўп

миқдордаги қон йўқотиш натижасида госпитал олди даврда бўлган даврда жароҳатланган пиёдаларнинг ўлимининг асосий сабаби бўлганлиги қайд этилди.

Қўшма жароҳат кўринишидаги талокнинг яхлитлигини бузилиши кўпинча жигар шикастланишлари билан биргаликда кузатилди ва айрим ҳолларда диафрагма, ошқозон, ичак, ичак тутқичлари ва буйрақларнинг ёрилишлари ҳам аниқланди.

Умуман қорин бўшлиғи аъзоларининг боғламлари ва тўқималарида ифодаланган қон қуйилишлар кўринишидаги ва ички аъзоларнинг чайқалишининг намоён бўлиши 60,8% ҳолларда аниқланган ($0,001 < p < 0,035$; $p = \pm 0,035$). Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, қорин бўшлиғи аъзоларининг қон қуйилишлари, шу жумладан ички аъзоларнинг ёрилиши ҳаракатдаги автомобиллар билан пиёдаларнинг тўқнашувининг 3-фазасида – яъни тананинг йўл қоламасига зарб билан йиқилиши билан боғлиқ тананинг кучли силкинишда шаклланганлигини кўрсатади.

Вафот этган пиёдаларда чаноқ суяклари тузилишлари шикастланиши 9,7% ҳолларда кузатилди. Чаноқ суякларининг қўшма синишлари қов ва ўтирғич суяклари синиши нисбатан энг кўп учради (7 из 21), бу асосан пиёдаларнинг Daewoo-Дамас ва Матиз русумли автомобиллари ҳамда оғир транспорт воситалари билан тўқнашувида кузатилган ($0,003 < p < 0,025$; $p = \pm 0,024$). Чаноқ суяклари синишларининг тури ва жойлашув ўрни уларнинг асосан травманинг 1-чи ва 3-фазаларида шаклланишидан далолат берди.

Болдир суяклари зарарланиши пиёдаларнинг кўпчилигида автоҳалокатнинг 1-фазасида асосан диафизнинг ўрта учлигида синиши тарзида кузатилиши билан бир қаторда кўп ҳолларда пиёдалар кўл-оёқ суякларининг кўшалок синишлари ҳам кузатилди ($0,001 < p < 0,014$; $p = \pm 0,014$), (4-жадвал).

Кўриниб турибдики, иккала болдир суякларининг қўшма синиши, шунингдек, бир сон ва бир болдир суякларининг қўшма синишлари пиёдаларда энг кўп кузатилди ($0,001 < p < 0,014$).

Айрим турдаги замонавий энгил русумли автомобиллар кузовлари ташқи олд ён қисмлари (Матиз, Кобалт, Спарк, Дамас), шунингдек айрим юк автомабиллари ва эски русумли автомобиллар (Ваз-Жигули, Иж-Москвич) кузовлари ташқи қисмлари конструктив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг пиёдалар билан тўқнашидаги жароҳатлар жихатлари алоҳида таҳлил этилди. Аниқландики, пиёдаларнинг Матиз ва йўловчи ҳамда юк ташувчи автомабиллар билан тўқнашувида асосан бош, кўкрак - қорин ва чаноқ тузилмалари зарарланади ва бунда оёқ суякларининг синиши камдан-кам ҳолларда қайд этилади. Кобалт ва Спарк автомабилларининг пиёдалар билан тўқнашуви деярли бир хил даражада бош, кўкрак - қорин ва оёқ суякларининг, кўпинча - болдир суякларининг синиши билан бирга кечади.

4-жадвал

**Ҳаракатдаги автомобил билан тўқнашувда вафот этган пиёдалар
қўл-оёқ суяклари қўшолоқ синишлари, регрессия қийматлари ва
кўрсаткичлар ишончлилик даражаси маълумоти**


№	Синиш турлари	Учраш частотаси	Регрессия даражаси қийматлари	р-ишончлилик
1	Бир сон ва битта болдир суяклари	10	9.997	± 0,003
2	Иккала сон суяклари	9	9005	± 0,005
3	Биттаболдир, иккала билак ва бир елка суяклари	2	1.998	± 0.002
4	Битта сон, елка ва иккала билак суяклари	2	1.997	± 0,003
5	Битта сон, иккала болдир, иккала билак ва битта елка суяклари	1	0,998	± 0.002
6	Битта сон, иккала болдир ва иккала билак суяклари	1	1.001	± 0,001
7	Битта сон ва елка суяклари	1	0,994	± 0,006
8	Битта сон ва билак суяклари	3	3.002	± 0.002
9	Битта болдир ва битта билак суяклари	2	1.998	± 0.002
10	Битта сон, елка ва битта билак суяклари	3	2.996	± 0,004
11	Иккала болдир, иккала билак суяклари	1	0,998	± 0.002
12	Иккала болдир ва битта билак суяклари	1	0,996	± 0,004
13	Бир сон ва битта болдир суяклари	1	1.004	± 0,004
	Жами:			

Тадқиқот жараёнида пиёдаларда оёқ узун найсимон суякларининг шикастланиш жиҳатлари синган жойдаги суяк бўлақларининг қўшимча текширувдан ўтказиш орқали батафсил ўрганилди. Суд-тиббиёт экспертизасида 109 та аниқланган қўл-оёқ суяклари синиши ҳолатидан 79 тасида оёқ суяклари синиши кузатилган. Болдир ва сон суяклари синишлари жиҳатлари баъзи ҳолларда автомобилларнинг турига (маркаларига) боғлиқлиги қайд этилди. Жумладан, енгил русумли замонавий автомобилларнинг пиёдалар билан тўқнашувида шаклланган болдир (сон) суякларидида одатда диафизар синишлар парчаланиб синишлар майдони кенг соҳани қамраб олган тразда шаклланса, эски русумли енгил автомобилларнинг пиёдалар билан тўқнашувида ушбу тузилмалар синишлари, юқоридаги ҳолатга нисбатан, чегараланган майдонга кузатилиши қайд этилди (1-, 2-, 3- ва 4-расмлар).



1-расм. Пиёда - 45 ёшда (08-01 / 35-47-сонли далолатнома). Нексия автомобили билан тўқнашув. Чап болдир суягининг парчаланиб синиши кенг сохани қамраб олган, а - ташқи юзаси. б - ички юза. в - орқа юзаси. г - ташқи юзаси


Шу билан биргаликда болдир ёки сон-думба ва бел соҳалар жароҳатланишлари ҳамда болдир (сон) суяклари синишлари соҳаларида юмшоқ тўқималарда чуқур эзилишлар кам ҳолларда кузатилди ва қон қуйилишлар интенсивлиги ҳам эски русумли автомобиллар тўқнашувида кузатилган қон қуйилишларга қараганда аксарият ҳолларда суст ифодаланган тарзда тарқоқ ва саёз кўринишда қайд этилди. Бундан ташқари, енгил русумли замонавий автомобиллар билан тўқнашув оқибатида вафот этган пиёдаларда бирламчи зарба соҳада терида махсус турдаги жароҳатлари деярлик кузатилмади, ушбу соҳаларда асосан ноаниқ ёки овал-узунчоқ ва бошқа шакллардаги кенг қамровли қонталашлар ва шилинмалар тарзда намоён бўлди($0,001 < p < 0,04$; $p = \pm 0,035$).



2-расм. Чап болдир суягининг парчаланиб синишининг кенгайтирилган чизмаси - парчаланиб синиш кенг сохани қамраб олган.



3-расм. Пиёда - бола 21 ёш. (6-6-сонлидалолатнома). Эски русумдаги автомобил (ВАЗ) билан тўқнашув. Чап болдир суяги диафизининг ўрта учлигидан парчаланиб синиши соҳаси чегараланган майдонда. а - ички юзаси б-орқа юзаси. с-ташқи юзаси



4-расм. Чап болдир суяги диафизининг парчаланиб синишининг кенгайтирилган тасвири-майдон чегараланган- парчаланиб синиш соҳа чегараланган майдонда.

Диссертациянинг «**Ҳаракатланаётган автомобиллар билан тўқнашуви натижасида жароҳатланган пиёдалар - тирик шахслар шикастланишларининг суд-тиббий тавсифлари**» деб номланган тўртинчи бобда пиёдалар ҳаракатланувчи замонавий автомашиналар билан тўқнашув натижасида жабрланган тирик шахслардаги шикастланишларнинг суд-тиббий хусусиятлари келтирилган. Ушбу гуруҳнинг кузатувларини ҳаракатланаётган автомобиллар билан тўқнашув натижасида турли даражадаги тан жароҳат олган 250 нафар пиёда-тирик шахслар ташкил этган.

Жабрланган пиёдаларда бош тузилмаларининг шикастланиши 250 та кузатувнинг 91 тасида (36,3%) кўшма шикастланишнинг бир қисми сифатида ташкил этди. Бунда 50,5% ҳолларда бош тузилмалари шикастланиши алоҳида бош мия жароҳатлари шаклида, улардан 7 ҳолатда - бош мия лати ва 39 ҳолатда (80,4%) – бош мия чайқалиши кўринишида кузатилди. Оёқ-қўлларнинг шикастланиши 19,5% ни ташкил этган бўлса, аксарият пиёдаларда летал ҳолатлар каби болдир ва сон суякларининг ҳамда уларнинг кўшалок диафиз соҳасидан синиши аниқланган (1-фаза). Жабрланганларда елка, билак суяклари ва бармоқлар фалангалари синишларининг шаклланиши травманинг 3-чи ва 4-чи фазалари билан боғлиқлиги аниқланди.

Жабрланган пиёдалар аъзолари ва тўқималарида аниқланган жароҳатларнинг 105 таси (42%) қисқа муддатли соғлиғининг бузилишига олиб келмайдиган енгил даражали жароҳатлар деб таснифланган. Соғлиғининг бузилишига олиб келган енгил тан жароҳатлари 25% ни (64) ташкил қилди. Улар йирик бўғимлар лати, гемартрознинг намоён бўлиши, тананинг турли қисмларида латли – йиртилган яралар ва бош мия чайқалиши каби ҳолатлар ташкил этди. 9,8 % пиёдадаги жароҳатлар соғлиғининг бузилиш давомийлигидан келиб чиққан ҳолда жароҳатларнинг ўртача даражасига, 12,8% ҳолатларда ҳаёт учун хавфлилик даражаси бўйича оғир тан жароҳатлари даражасида тавсифланган ва бу турга бош, кўкрак - қорин ва оёқ-қўллар тузилмалари ва суяклари синишлари киртилган. Жабрланган пиёдаларда ўрта ва оғир даражали жароҳатларнинг, енгил даражали жароҳатларга нисбатан камроқ сони, жабрланган пиёдалар кўпчилигининг оғир кўшма травмалар натижасида воқеа жойлардаги ўлими билан боғлиқ ҳисобланади. Қолган 10% жабрланганларда тан жароҳатлари топилмаган ёки шикастланмаган, автомобиллар билан тўқнашув факти йиғилган маълумотлар ва дастлабки суриштирув материаллари билан тасдиқланган.

Шу тариқа, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ҳаракатланувчи замонавий автомашиналар билан тўқнашув натижасида пиёдалар жароҳатларининг суд-тиббий тавсифи ўтказилганда, жабрланган пиёдаларда кўшма бош жароҳати, оёқ-қўл синиши, шунингдек, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи тан жароҳати аниқланган. Шунингдек, жабрланган пиёдаларнинг кўпчилигида ўртача ва оғир жароҳатлар камроқ бўлади, бу уларнинг аксариятининг воқеа жойида оғир жароҳатлар натижасида вафот этгани билан боғлиқдир. Бу мавзу ҳозирча долзарблигича қолмоқда, чунки кўп сонли фуқароларимиз йўлларимизда халок бўлмоқда.

ХУЛОСАЛАР

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий енгил автомобиллар ҳаракатланишида пиёдалар билан тўқнашувда етказилган жароҳатланишларнинг суд-тиббий тавсифи» мавзусидаги фалсафа доктори

(PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. 94,1% ҳолларда тананинг 2 ёки ундан ортиқ қисмларининг қўшма жароҳатланиши шаклланди, унинг таркибида пиёдалар бош тузилмаларининг шикастланиши (98,8%), қўл-оёқ суякларининг синиши (55,8%) ва кўкрак-қорин соҳалари тузилмаларини қўшма жароҳатлари (36,4%) устунлик қилди;

2. Бош тузилмалари шикастланишида олд ва олд-ёнбош соҳалар тузилмалари жароҳатларининг устунлик қилиши ҳамда юз суяклариди синишлар мавжудлиги ушбу жароҳатлар автоҳалокатнинг 3-чи фазасида шаклланишини кўрсатади. Агар пиёдаларда бўйин-энса жароҳати шаклланиши 1-фаза билан боғлиқ бўлса, кейинчалик бўйин ва юқори кўкрак умуртқасининг структурасининг шикастланиши автомобил жароҳатланишининг 1 ва 2-фазаларида содир бўлади.

3. Пиёдаларнинг 85,6% да кўкрак қафаси тузилмалари зарарланиши аниқланади ва бунда 57,7% ҳолларда қовурғалар синиши кўпинча икки томонлама ва деярли барча қовурғаларни қамрайдиган, асосан жароҳатнинг 3-фазасида шаклланади. Одатда автоҳалокатнинг 3-чи фазасида 60,1% жабрланган пиёдаларда ички аъзолар лати мавжуд бўлиб, бунда кўпроқ жигар паренхимаси (16,8%) ва нисбатан камроқ ҳолларда талоқ (3,5%) зарарланиши қайд этилади. Шикастлашнинг сезиларли кўлами ва жиддийлиги тўқнашув пайтида автомобиллар ҳаракати тезлигининг юқорилиги натижасида жабрланувчи танасининг маълум масофага отилиб йиқилиши билан изоҳланади;

4. Нобуд бўлган пиёдаларнинг кўпчилигида жароҳатнинг 1-чи фазасида содир этиладиган болдир суякнинг диафизар синиши, нисбатан камроқ – сон суякларнинг синиши кузатилди. Шу билан биргаликда енгил русумли замонавий автомобилларнинг пиёдалар билан тўқнашувида бирламчи зарба соҳага тери ва юмшоқ тўқималарда «махсус турдаги» жароҳатланишлар шаклланиш эҳтимоли кам ҳисобланади;

5. Енгил русумли замонавий автомобиллар билан тўқнашувда жабрланган пиёда -тирик шахсларда бош тузилмалари зарарланиши умумий жароҳатларнинг 36,3% ни ташкил қилади ва 50,5% ҳолларда улар алоҳида бош мия жароҳатлари бўлиб, асосан, мия чайқалиши шаклида, кам ҳолларда – бош мия лати шаклида намоён бўлади.

6. Пиёда - тирик шахсларда умуртқа-орқа мия шикастланиши 0,52% ҳолларда аниқланди. Тирик пиёдаларда бу тузилмаларнинг шикастланиш табиати кўпинча умуртқа поғонасининг егилиш ва чўзилиш ҳаракатлари (1 ва 2-фазалар) натижасида келиб чиқиши билан тавсифланади ва кўкрак-бел умуртқаларининг синиши, эҳтимол, шикастланишнинг 1-фазасида содир бўлган. Кўкрак ва қорин соҳалар жароҳатланишида асосан юмшоқ тўқималар лати қайд этилди, бу шикастланишларни 3 ва 4-фазаларда шаклланишини кўрсатди;

7. Пиёда - тирик шахсларда летал ҳолатлардагидек қўл-оёқ тузилмалари таркибида болдир ёки сон суякларининг диафизар синиши ёки бир вақтнинг

Ўзида болдир ва сон суяклари қўшма синишларнинг қайд этилиши ҳам аниқланди, булар автомобил жароҳатланишининг 1-фазасига хос;

8. Ҳаракатланувчи енгил русумли замонавий автомобиллар билан тўқнашув натижасида жабрланган пиёда-тирик шахсларда енгил даражали тан жароҳатлари - 67,6%ни, 9,8%да ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари ва 12,6% ҳолларда оғир тан жароҳатлари қайд этилди ҳамда 10% ҳолларда жабрланган пиёдаларда жароҳатлар аниқланмади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ГАМИДОВ СЕЙМУР ШУКУР ОГЛЫ

**СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПОВРЕЖДЕНИЙ У
ПЕШЕХОДОВ ПРИ СТОЛКНОВЕНИИ С ДВИЖУЩИМИСЯ
СОВРЕМЕННЫМИ ЛЕГКОВЫМИ АВТОМОБИЛЯМИ,
ПРОИЗВОДИМЫМИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

14.00.24 – Судебная медицина

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2020.4.PhD/Tib1570

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Индияминов Сайт
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: Искандаров Алишер Искандарович
доктор медицинских наук, профессор

Акбергенова Камила Абдукеримовна
кандидат медицинских наук, доцент

Ведущая организация: Дальневосточный государственный
медицинский университет (Российская Федерация)

Защита диссертации состоится «28» 02 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании разового научного совета на основе научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фараби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № 828). Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фараби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «15» 02 2022 года
(реестр протокола рассылки № 4 от «15» 02 2022 года).



Handwritten signature of G.I. Shaykova

Г.И. Шайхова

Председатель разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Handwritten signature of D.Sh. Alimuxamedov

Д.Ш. Алимухамедов

Ученый секретарь разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

А.Б. Саидов

Председатель научного семинара при разовом научном совете на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире травматизм в результате дорожно-транспортных происшествий на сегодняшний день становится наиболее актуальной социально-демографической, экономической и медицинской проблемой. В настоящее время «... смертность и инвалидность в результате дорожно-транспортных происшествий в разных регионах варьируется и является высоким для мужчин наиболее трудоспособного возраста (74%), а также для населения стран с низким и средним уровнем дохода (70%), при этом в абсолютно большинстве случаев смерть пострадавших наступает от тяжелой сочетанной травмы непосредственно на месте аварии или в пути следования в медицинские учреждения...»^{1,2}. В связи с этим разработка эффективных методов ранней диагностики и оказания высоко квалифицированной медицинской помощи больным с сочетанной травмой на догоспитальном и госпитальном периодах является одним из приоритетных задач современной медицины.

По всему миру проводится ряд научных исследований с целью профилактики травматизма, разработки эффективных методов ранней диагностики и лечения больных с тяжелой сочетанной травмой, наблюдаемой при дорожно-транспортных происшествиях и других воздействиях. В связи с этим особое научное и практическое значение имеют исследования, направленные на изучение характера повреждений органов и тканей у пешеходов, пострадавших при столкновениях с движущимися транспортными средствами, как наиболее распространенного вида дорожно-транспортных происшествий и определение особенностей их формирования.

В нашей стране проводятся широкомасштабные меры, направленные на дальнейшее повышение эффективности проводимых реформ в системе здравоохранения, в том числе на судебно-медицинскую диагностику повреждений у пешеходов, пострадавших при столкновении с автомобилями. В связи с этим, в соответствии с пятью приоритетными направлениями развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, определены такие задачи, как «...повышение удобства и качества специализированных медицинских услуг, дальнейшее реформирование системы экстренной медицинской помощи, профилактика инвалидности...»³. важное научно-практическое значение имеет изучения характера и выявления особенностей формирования повреждений органов и тканей у лиц, пешеходов пострадавших при столкновениях с движущимися автомобилями, как наиболее частый вид дорожно-транспортных происшествий. Исходя из этих задач целесообразно проведение исследований по определению осложнений

¹Доклад о состоянии безопасности дорожного движения в Европейском регионе ВОЗ, 2019. ВОЗ, Европейском региональное бюро.

²Дорожно-транспортный травматизм как национальная проблема / Кузьмин А.Г.//Журнал экология человека. – 2011. -С.44-49.

³Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

повреждений органов и тканей пострадавших при столкновениях с движущимися автомобилями, как наиболее распространенных видов дорожно-транспортных происшествий.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, № УП - 6110 «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ» от 12 ноября 2020 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики

